

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТНИНГ РОЛИ**



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-451-456>

Юсупова Севара Низамитдиновна

Андижон давлат университетининг педагогика институти

“Ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси” кафедра мудири PhD

Бахронов Бехруз Бўри ўғли

АДПУ 1- босқич магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролик жамияти барпо этишининг асосий омилларидан бири ҳуқуқий маданият, уни шакллантириш, ривожлантириши истиқболлари, инсон қадри, ҳуқуқлари ва демократиянинг фуқаролик жамияти барпо этишидаги аҳамияти таҳлил этилган.

***Калим сўзлар:** фуқаролик жамияти, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ижтимоий тизим, ҳуқуқий тизим, демократия, инсон ҳуқуқлари.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется значение правовой культуры, ее формирование, перспективы развития, человеческое достоинство, права и значение демократии в становлении гражданского общества, одного из основных факторов становления гражданского общества.

***Ключевые слова:** гражданское общество, правосознание, правовая культура, общественный строй, правовая система. демократия, права человека.*

ABSTRACT

This article analyzes the importance of legal culture, its formation, prospects for development, human dignity, rights and the importance of democracy in the establishment of civil society, one of the main factors in the establishment of civil society.

***Keywords:** civil society, legal consciousness, legal culture, social system, legal system. democracy, human rights.*

КИРИШ

Бугунги кунда замон кўрсатмоқдаки, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширмасдан туриб, ҳар бир фуқарони қонунни ҳурмат қилиш, ҳуқуқий

маданиятни оширишда фаол иштирок руҳида тарбияламай туриб давлат олдида турган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиб бўлмайди. Демократик давлатни куришда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданият масаласини алоҳида ўрин тутишига эътиборни қаратиш лозим.

Давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш учун қонунчиликни янада такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш лозим [5;13]. Бу эса Ўзбекисонда “Демократик, дунёвий, ижтимоий ва ҳуқуқий давлат” куришга ёрдам беради.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш учун комплекс чора тадбирлар кўриш лозим[6;8]. Уларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи ўрин олиши лозим. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги тизимли равишда ишлаши, мустақил равишда ҳуқуқни қўллаш, якка тартибда ахлоқий, ҳуқуқий маданияти такомиллашиб борилишида акс этади.

Бундан кўринадики, агар фуқаронинг ҳуқуқий онгини ошириш ва фуқаролик жамияти шаклланишида унинг роли ҳақида гапириладиган бўлса қуйидагиларни инобатга олиш лозим бўлади:

1) фуқаро қандай даражада ўз ҳуқуқ, мажбуриятлари ва эркинликларини баҳолаши;

2) ушбу ҳуқуқларни қўллаш даражаси қанақа, яъни шахснинг ушбу ҳуқуқларни ўз ҳаёти давомида қўллай олиши.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган ва ҳақиқатда ишлайдиган қонунчилик керак. Бундан келиб чиқадики, катта масъулият ушбу қонунларни яратувчи ва қабул қилувчиларга юкланади. Чунки ушбу қонунлар очик, ошкора, ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслик тамойилларига асосланган ва албатта инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. Ҳуқуқ нормалари инсон учун, унинг ривожланиши ва маданият қадриятларига, масалан адолат, озодлик, ҳақиқат ва бошқаларга мувофиқ бўлиши керак.

Тадқиқот ўтказишни аниқ турлари ва анализ усуллари аниқ белгилансагина, ҳуқуқий маданиятни сифатли тақик этиш мумкин бўлади[2; 68]. Замонавий фанда ҳуқуқий тизим деганда бир-бири билан ўзаро таъсирчан боғлиқ бўлган, орқали ижтимоий гуруҳ ёки аҳолиннинг хулқ-атворида таъсир этувчи ҳуқуқий ҳодисалар (масалан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқ) тушунилади. Бундан ташқари, ҳуқуқий тизим жамоат (ижтимоий) тизимнинг ўзига хос тури

сифатида намоён бўлади. У жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий, маданий-маърифий соҳалари орқали ривожланади.

Ҳуқуқий тизим иккита аспект билан ажралиб туради:

биринчидан, у иқтисодий, сиёсий ва жамиятнинг бошқа факторларига боғлиқлиги;

иккинчидан, ҳуқуқий тизим иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва бошқа деярли барча соҳаларга фаол таъсир этади.

Ҳуқуқ, юридик амалиёт қонун ҳужжатлари талаблари асосида тўлиқ намоён бўлса ва фуқароларнинг манфаатларига ва эҳтиёжларини қониқтиришга хизмат қилсагина ушбу таъсир этиш самарали бўлади. Ўз навбатида қонунчиликда тафовутлар ёки зиддиятлар келиб чиққан тақдирда негатив ҳолатларга, бу эса ҳуқуқни рўёбга чиқаришда зиддиятларга олиб келиши мумкин.

Кенг маънода ҳуқуқи тарғибот жамият ҳуқуқий тизимининг барча элементлари ичига кириб борган ва унинг бир қисми ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, ҳуқуқий маданият бутун бир жамият ҳуқуқий тизимининг бир қисми сифатида намоён бўлади, бироқ мустақил маънога ва ҳуқуқий аҳамият эгадир. Шунга асосланиб, ҳуқуқий маданиятни тадқиқотнинг аниқ предмети сифатида ва унинг фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини кўриб чиқиш зарур бўлади. Фуқаролик жамиятини қандай аниқлаш мумкин Ҳозирги кунда фан фуқаролик жамиятини иккита: формацион ва цивилизацион ёндашув асосида кўриб чиқади.

Фуқаролик жамияти инсонларнинг умумий қарашлари ва мақсадларига эриш учун ўзаро ижтимоий таъсирларининг маълум бир соҳаси сифатида намоён бўлади. Айнан жамоатчилик ва унинг ташаббуси, шунингдек турли хил ижтимоий гуруҳларнинг ва “эркин” индивидлар бирлашмаларнинг мустақил фаолият юритиши натижасида фуқаролик жамиятини барпо этишади. Бундан келиб чиқадики, фуқаролик жамияти тушунчаси ўз ичига эркин индивидларнинг давлат билан ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий алоқаларини қамраб олади. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тартибга солувчи системалар асосида юқори даражада мустақил ташкил этилганлик фуқаролик жамияти учун характерлидир.

Ҳар қандай фуқаролик жамияти бир вақтнинг ўзида “яширин” равишда шаклланади, у ерда, “тиник шароитда”, ҳар бир индивид шахс сифатида ривожланади, унинг барча фуқаролик сифатлари жамият ҳаётининг демократик

бирлашмалари, жамоат бирлашмалари, ҳаракатларига бирлашиш орқали шаклланади.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, фуқаролик жамияти шаклланиши давлатнинг аралашувиغا боғлиқ бўлмай, бу икки соҳанинг ривожланишига боғлиқдир. Сабаби давлат ва фуқаролик жамияти бир бирлари учун керакдир, улар ўзаро таъсири натижасида бир бирларини тўлдирадилар, давлат ва жамият ўртасида бутун бир алоқани яратади. Ҳар қандай давлат индивидларнинг эркинлиги, ташаббускорона ҳаракатлари учун зарур шароитларни яратиши лозим, фуқаролик жамияти эса бир вақтнинг ўзида ҳар бир инсонда жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва жамият учун жавобгарлик ҳисси тушунчасини ривожлантирган ҳолда давлатни “назорат” қилиши, жамиянинг демократик институларини қўллаб-қувватлаши керак. Бу ерда ушбу жараённинг эришиладиган натижаларни белгилаб олиш ўринли бўлади.

Фуқаролик жамиятининг кўлами жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига таъсир этиш имконига эга бўлган фаол фуқаролар улуши билан изоҳланади [1; 31-32]. Бундан кўринадики, реал ҳолатда фуқаролик жамиятини ижтимоий жамиятнинг кам қисми ҳам ташкил қилиши мумкин, шу сабабли айнан ҳуқуқий маданият уларга таъсир этган ҳолда уларнинг кўламини торайтириши ёки кенгайтириши мумкин.

Фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини умумдунё жамоат модернизацияси жараёни элементи - инсон ҳуқуқ ва эркинлари биринчи ўринда турувчи аграр типдан индустриалга, анъанавийдан жамиятдан замонавийга ўтиши сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлари давлатнинг бошқарув шаклини аниқлаштиради. Бу шаклларга: сиёсий ҳокимият ва унинг шаклини билдирувчи тоталитар, авторитар ва демократик шаклларни мисол қилиб келтириш мумкин. Жамият мунтазам равишда давлат билан ўзаро муносабатларнинг янги параметрларини белгилаган ҳолда давлат ва фуқаролик жамиятининг “аниқ” қирраларини кўрсатган ҳолда эволюцияланиб боради. Бундан келиб чиқадикки, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида кўрилаётган комплекс чораларга қараб туриб у ёки бу аниқ тарихий шаклни қабул қилади.

Фуқароларнинг давлатнинг бюрократик тизимини чеклаган ҳолда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай жамоат фаолияти фуқаролик жамияти ривожланиши учун йўналишлар белгилайди. Демократик давлатларда фуқаролик жамиятининг мустақиллиги ва эркинлиги партияларнинг, ҳаракатларнинг, бирлашмаларнинг эркин фаолият юритиши орқали аниқланади.

Фуқаролик жамияти норматив актларни яратишга ва давлатни ҳуқуқий давлатга айлантиришга зарур бўлган усулларни яратиш орқали қулай шарт-шароитларда ривожланади. Демократик давлатда ҳуқуқ устуворлиги тамойили барча халқларнинг ажралмас ҳуқуқи бўлган ўз манфаатларини ошкор этиш тушунилади, шунингдек давлатга ҳуқуматни ташкиллаштиришда унинг шакли, таркиби, конституциявий тамойиллари, давлат механизми характери шаклланишини аниқлашда ёрдам беради.

Фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда жамоат ҳокимиятини шакллантириш сифатида давлатни мустаҳкамлаш зарурдир.

Ҳокимиятни амалга ошириш механизми сифатида давлатда турли хил қаршилиқлар мажмуидан иборат бўлиб, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- 1) инсонпарвар (давлатга нисбатан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворликлик тамойили);
- 2) демократик (оммавий ижтимоий базани ташкил этиш);
- 3) ахлоқий (тенглик ва адолатлилик тамойили ва ғояси);
- 4) яккаҳокимиятни чеклаш (давлат бошқаруви қонунчилиқ, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойили).

ХУЛОСА

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти маълум бир ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатларини англаган ва жавоб бера оладиган жамиятнинг индивидуал фуқаросининг пайдо бўлишидан бошланади. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий муаммолари бу фуқароларни тарбиялаш, уларни ҳуқуқ маданиятини ва мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишини шакллантиришдир.

REFERENCES

1. Одилқориев Х.Т. Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий тамойиллари ва қонуниятлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт //лмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 31-32.
2. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). – Т.: Адолат, 2001. – С.68.

3. Тепляшин, И.В. Правовая активность граждан в условиях становления правового государства: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Екатеринбург, 2002. – С.22-23.
4. Баранов П.П. Правосознание и правовоспитание// Общая теория права. Н. Новгород. 1993. С. 488.
5. “Янги Ўзбекистон” газетаси сайти. <https://yuz.uz/news/2020-yilda-prezident-xalq-qabulxonalariga-1-milliondan-ortiq-murojaat-kelib-tushgan>.
6. “Янги Ўзбекистон” газетаси сайти. <https://yuz.uz/news/soz-erkinligi-barqaror-taraqqiyot-masalalariga-hamnafas>